

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЁРОВ САРДОР САЪДУЛЛАЕВИЧ

**УГЛЕРОДЛИ ВА ЛЕГИРЛАНГАН ПЎЛАТЛАРНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ПАЙВАНДЛАШ УЧУН МАҲАЛЛИЙ
ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ЭРИТИБ ТАЙЁРЛАНАДИГАН
ФЛЮСЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ВА
ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси
(Қуймачилик ва металлларга ишлов бериш йўналиши бўйича)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Худоёров Сардор Саъдуллаевич

Углеродли ва легирланган пўлатларни механизациялашган пайвандлаш
учун маҳаллий хомашёлар асосида эритиб тайёрланадиган флюсларни
ишлаб чиқариш технологиясини ва таркибини такомиллаштириш..... 3

Худоёров Сардор Саъдуллаевич

Совершенствование состава и технологии производства плавяных
флюсов на основе местного сырья для механизированной сварки
углеродистых и легированных сталей..... 21

Khudoyorov Sardor Sadullaevich

Improvement of the composition and production technology of fused
fluxes based on local raw materials for mechanized welding of carbon and
alloy steels..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

ХУДОЁРОВ САРДОР САЪДУЛЛАЕВИЧ

**УГЛЕРОДЛИ ВА ЛЕГИРЛАНГАН ПЎЛАТЛАРНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ПАЙВАНДЛАШ УЧУН МАҲАЛЛИЙ
ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ЭРИТИБ ТАЙЁРЛАНАДИГАН
ФЛЮСЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ВА
ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси
(Қуймачилик ва металлларга ишлов бериш йўналиши бўйича)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т1431 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати иккита тилда (ўзбек, рус тили ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Дуняшин Николай Сергеевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Норхужаев Файзулла Рамазанович техника фанлари доктори, профессор Худояров Сулейман Рашидович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «5» декабрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс:(99871)227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (176-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(99871)227-10-32.)

Диссертация автореферати 2020 йил «25» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «25» ноябрь даги 115-рақамли реестр баённомаси).



К.А.Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д.Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Ф.С.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда етакчи давлатларнинг саноати ривожланиши даражасининг замонавий босқичларида механизациялаштирилган флюс остида ёйли пайвандлаш ҳажми, маҳсулот ассортименти ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилиги алоҳида касб этмоқда. Шу билан бирга пайванд чок қуйма металининг эксплуатацион характеристикаларини ошириш, конструкциянинг узок муддат ишлаши, машина механизмлари ва жиҳозлари хавфсизлиги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Япония, Украина ва Россияда механизациялашган флюс остида ёйли пайвандлаш технологиясининг ривожланишида муҳим роль эгаллаган пайванд конструкция ва буюмларни йирик сериялаб ишлаб чиқаришнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда флюснинг таркибини модернизация қилиш асосида ёйли пайвандлашни механизациялаш учун флюснинг сифатли характеристикаларини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йуналишда, жумладан эритиб тайёрланадиган флюснинг таркибини шлак ҳосил қилувчи компонентларнинг миқдори ва сифати бўйича оптималлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, пайванд чок металининг кимёвий таркибини аниқловчи шихта таркиби ҳисобига пайванд бирикманинг мустаҳкамлик характеристикаларини яхшилаш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда механизациялаштирилган ёйли пайвандлашда содир бўладиган физик-кимёвий жараёнларни башоратлаш усуллари асосида эритиб тайёрланадиган флюсларни оптималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Республикамизда нефтьгаз саноатида, машинасозликда, коммунал хўжаликда, қурилишда кенг қўлланиб келаётган пайвандлаш флюсларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш”¹ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан пайванд бирикманинг кимёвий таркибини аниқлаш ҳисобига пайванд бирикманинг мустаҳкамлик характеристикалари ошишини таъминловчи эритиб тайёрланадиган пайвандлаш флюсларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 «Лойиҳа, технология ва инновацион ғояларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида механизациялашган флюс остида ёйли пайвандлашда материалларнинг пайвандлаш-технологик хусусиятларини: чок юзасининг шаклланиши, шлак қобиғининг ажралиши ва бошқа кўрсаткичларни ўрганиш ва тадқиқот қилиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан J. Norish ва J. Lipold пайвандлаш сими ва эритиб тайёрланган флюснинг эриш жараёнида томчининг шаклланишини ҳамда ҳосил бўлган шлак ва металл ванналарининг ўзаро таъсирланиши устида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган ва углеродли пўлатларни пайвандлаш учун флюсларни ишлаб чиқишган. Япония олимлари A. Makara, N. Mosendz механизациялашган флюс остида ёйли пайвандлашда фазаларнинг ўзаро таъсирлашувида кечадиган жараёнларни тадқиқот қилишган ва кам углеродли пўлатларни пайвандлаш учун флюслар таркибини таклиф этишган.

МДҲ давлатлари олимларидан Б.Е. Патон, В.В. Подгаецкий, И.И. Люборц, Н.Н.Потапов, И.К. Походня томонидан чок метали таркиби ва металлнинг дастлабки таркибларини таққослаш асосида механизациялашган флюс остида ёйли пайвандлашда алоҳида элементларнинг ўтиш жараёнлари устида тадқиқотлар олиб борилган ҳамда легирланган пўлатларни автоматик ёйли пайвандлаш учун флюслар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон олимлари М.А. Абралов, Р.У. Абдурахманов, Р.М. Саидовлар механизациялашган ёйли пайвандлашда ишлатиладиган флюслар учун шлак тизимларининг таркибини ишлаб чиқишган.

Механизациялашган ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюслар таркибини ишлаб чиқиш соҳасида кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп: механизациялашган ёйли пайвандлашда пайванд чок қуйма металининг таркибини ҳисоблаш усуллари тўлиқ ишлаб чиқилмаган, ҳисоблаш учун маълумотлар етарли эмаслиги ва йўл қўйилган бир қанча хатоликлар эритиб тайёрланадиган флюсларни ишлаб чиқиш бўйича масалаларни хал қилиш имконини бермаяпти. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун эритиб тайёрланадиган флюсларнинг шлак тизими компонентлари

таркибини оптималлаштириш бўйича элементларни ўтиш коэффициентларини аниқлаш асосида таркибини оптималлаштириш имконини берадиган тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Тошкент труба заводи билан № 8/2020 хўжалик шартномаси ичида “Кам углеродли ва кам легирланган пўлатларни ёйли автоматик пайвандлаш учун эритиб тайёрланган флюсларни ишлаб чиқариш технологиясини ва таркибини ишлаб чиқиш” (2020й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё базасида пайванд чокнинг қуйма металини яхшилаш мақсадида, механизацияланган ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюсларнинг шлак асосини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот усуллари, жиҳозлари, материаллари ва объектларини танлаш;
замонавий импорт ўрнини босувчи эритиб тайёрланадиган пайвандлаш флюсларининг шлак асосини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасидаги минерал хомашёларнинг яроқлилиги ва мавжудлиги мониторингини ўтказиш;

флюсларни тайёрлаш учун ишлатиладиган минерал хомашё базаси асосида эритиб тайёрланадиган флюсларнинг классификацион схемасини ишлаб чиқиш;

кам углеродли ва кам легирланган пўлатларни автоматик ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюсларни ишлаб чиқиш мисолида Ўзбекистон Республикаси хомашёларининг шлак асосига яроқлилигини баҳолаш ва флюс таркибини ишлаб чиқиш;

механизациялашган флюс остида ёйли пайвандлашда фаза таркибларини башоратлаш методикаси бўйича ўзаро таъсирлашув жараёнларининг физик моделини ишлаб чиқиш;

механизациялашган флюс остида ёйли пайвандлашда фаза таркибларини башоратлаш методикаси бўйича ўзаро таъсирлашув жараёнларининг математик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси минерал хомашёси, флюс остида автоматик ёйли пайвандлаш натижасида шаклланган пайванд чок ва пайванд бирикманинг қуйма метали олинган.

Тадқиқотнинг предмети механизациялашган флюс остида ёйли пайвандлаш натижасида олинган пайванд чок ва пайванд бирикманинг қуйма структураси, пайванд чок характеристикаларини ва қуйма структурасини яхшилашнинг таъминлайдиган замонавий импорт ўрнини босувчи эритиб тайёрланган флюсларнинг шлак асоси ва уларни маҳаллий хомашёлардан тайёрлаш технологияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида шлакнинг, пайванд бирикманинг ва қуйма структурасининг технологик ва физик-кимёвий хусусиятлари, физик-механик хусусиятларини аниқлаш ва моделлаштиришнинг экспериментал ва таҳлилий усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эритиб тайёрланган флюсларнинг таркибидаги оксидсизлантирувчилар миқдорини оптималлаштириш ҳисобига автоматик ёйли пайвандлашда чок қуйма металлининг шаклланиши жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган;

маҳаллий минерал хом ашё базасида CaO-MnO-SiO_2 уч томонли эрувчанлик диаграммаси асосида танланган ҳамда эритиб тайёрланадиган флюснинг ишлаб чиқилган шлак асоси такомиллаштирилган;

автоматик ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюсни ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган;

кам углеродли ва кам легирланган пўлатларни механизацияланган ёйли пайвандлашда қўлланиладиган, пайвандлаш материалларининг потенциал компонентлари бўлган каолин, доломит, кварц қумларининг кимёвий таркибини ўрганиш асосида эритиб тайёрланган флюслар таркиби ишлаб чиқилган;

автоматик ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюсларнинг шихта компонентларини классификацион схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

механизациялашган ёйли пайвандлаш учун замонавий импорт ўрнини босувчи эритиб тайёрланадиган пайвандлаш флюсларининг шлак асоси ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашёдан тайёрланадиган механизациялашган ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюсларни тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

пайванд чокнинг қуйма структурасининг мустаҳкамлик характеристикаларини 10-12%га оширадиган эритиб тайёрланадиган флюсларнинг шихта компонентлари таркиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг замонавий усулларидадан фойдаланилганлиги ва экспериментал материалларнинг катта ҳажмда олинганлиги, математик таҳлил қилиш усулларидадан фойдаланиб аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти флюс остида механизациялашган ёйли пайвандлашда флюснинг шихта компонентлари классификацион схемаси асосида пайванд чок металлининг қуйма структураси шаклланиши жараёнининг физик ва математик моделини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пайванд чокнинг характеристикасини ва қуйма структурасини яхшилашни таъминлайдиган

маҳаллий хомашёлардан тайёрланадиган эритиб тайёрланадиган флюсларнинг шлак асосини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пайванд чоклар характеристикасини ошириш мақсадида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб эритиб тайёрланадиган флюсларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

эритиб тайёрланган флюсларнинг таркибидаги оксидсизлантирувчилар миқдорини оптималлаштириш ҳисобига автоматик ёйли пайвандлашда чок қуйма металининг шаклланиши жараёнига ишлаб чиқилган математик модели МЧЖ ҚК “Тошкент труба заводи” корхонасида жорий этилган («Ўзмонтажмахсус қурилиш» АЖнинг 2020 йил 16 июндаги 01-195/-01-01-сон маълумотномаси). Натижада, пайванд чокнинг қуйма металида кислород миқдорини 8-10%га камайтиришга эришилган;

маҳаллий минерал хомашё базасида CaO-MnO-SiO_2 уч томонли эрувчанлик диаграммаси асосида танланган, эритиб тайёрланадиган флюснинг ишлаб чиқилган шлак асоси МЧЖ ҚК “Тошкент труба заводи” корхонасида жорий этилган («Ўзмонтажмахсус қурилиш» АЖнинг 2020 йил 16 июндаги 01-195/-01-01-сон маълумотномаси). Натижада, пайванд бирикмаларнинг мустаҳкамлик хусусиятларининг 10-12% га ошишига эришилган;

автоматик ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюсни ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси МЧЖ ҚК “Тошкент труба заводи” корхонасида жорий этилган («Ўзмонтажмахсус қурилиш» АЖнинг 2020 йил 16 июндаги 01-195/-01-01-сон маълумотномаси). Натижада, пайванд чокнинг қуйма металида водород миқдорининг 14-16% га камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-анжумаларда, жумладан, 4та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Маҳаллий хомашёлар базасида механизациялашган ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюсларни ишлаб чиқишнинг замонавий муаммолари”** деб номланган биринчи бобида, Ўзбекистон Республикасида пайвандлаш материалларига бўлган бозор талабини таҳлил қилишга, флюс остида пайвандлашда металлнинг кислород, водород ва азот билан таъсирлашиши, флюс остида ёйли пайвандлашда газ фазаларининг таркиби хусусиятлари ва уларнинг металл билан ўзаро таъсирлашиши, пайвандлашда металл ва шлак орасидаги таъсирлашувлар, пайвандлашда металлнинг оксидсизланиши ва рафинирланиши жараёнлари ҳамда эритиб тайёрланадиган флюсларни саноат даражасида ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд минерал хомашёлар базасининг таҳлили ёритилган.

Илмий техник ва патент адабиётларини ўрганиш асосида қуйидаги қарорга келинди; пайванд чокнинг қуйма структурасини яхшилаш мақсадида эритиб тайёрланган флюслар уларнинг шлак асосида кварц куми, марганец рудаси, доломит ва каолинни қўллаш энг актуал ва перспектив қарорлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида мавжуд минерал ресурслар захираси бўлган эритиб тайёрланадиган пайвандлаш флюсларини тайёрлаш учун хизмат қиладиган бир компонентлар кўринишида бўлган (кварц куми) етарли даражада захирага эга эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ҳозирги кунда кремний оксиди манбаи сифатида Жерой ва Майский конларидаги кварц кумидан кенг фойдаланилади. Кварц кумининг энг перспектив конлари бўлиб Қулантой (Навои вилояти), Яккабоғ (Қашқадарё вилояти) конлари хизмат қилади. Ушбу конларнинг кремний оксиди миқдори 87,2 - 98,7 %ни ташкил этади.

Доломит конлари Ўзбекистон Республикасининг Шўрсув (Фарғона вилояти), Чуст (Наманган вилояти) ва Дехқонобод (Қашқадарё вилояти) конларида мавжуддир. Доломитнинг элементи ва оксид таркиби асосий компоненти кальций ва магнийнинг карбонатлари ташкил этишини кўрсатди.

Иккиламчи каолинларнинг кимёвий таркиби таҳлили Тошкент вилоятининг Ангрен конларида асосий компонентлар сифатида кремний оксиди (50-75%) ва алюминий оксиди (17-34%) ташкил этишини кўрсатди.

Ўзбекистоннинг шахсий марганец рудалари Қашқадарё вилоятининг Даутош конларида мавжудлиги аниқланди. Даутош конининг марганец рудасининг асосий минераллари пиролюзит (MnO_2), вернадит ($MnO_2 \cdot mH_2O$), манганит ($MnOOH$), браунит (Mn_2O_3), гаусманнит (Mn_3O_4) ва марганецли шпат ($MnCO_3$, родохрозит) ташкил этади.


Диссертациянинг **«Эритиб тайёрланган флюсларнинг пайвандлаш технологик хусусиятлари ва пайванд чок металининг қуйма структураси объекти ва тадқиқот қилиш методикаси»** деб номланган

иккинчи бобида тадқиқот учун танлаб олинган объектлар ва уларнинг характеристикалари, тадқиқотлар ўтказиш учун воситалар ва усуллар асослаб келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги минерал хомашёлар (кварц куми, марганец рудаси, доломит ва каолин) танлаб олинган, булар ўз навбатида майдаланади ва прокалкаланади. Тадқиқотнинг кейинги объекти сифатида компонент қўшимчаларидан иборат бўлган ва Ўзбекистон Республикасидаги минерал хомашёлар асосида ишлаб чиқилган, эритиб тайёрланадиган флюс остида ёйли пайвандлаш натижасида олинган пайванд чок ва пайванд бирикманинг қўйма метали ҳисобланади.

Диссертация ишида шлакнинг технологик ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашнинг замонавий экспериментал ва таҳлилий усуллари қўлланилган. Юқори аниқликда таҳлил ўтказишни таъминлайдиган пайванд бирикма қўйма структурасининг физик-механик хусусиятларини аниқлаш учун пайвандлаш материалларининг пайвандлаш-технологик хусусиятларини тадқиқот қилиш усуллари ва комплекс жиҳозлари келтирилган.


Диссертациянинг «Флюс остида ёйли пайвандлашда қўйма чок металининг шаклланишини тадқиқот қилиш» деб номланган учинчи бобида эритиб тайёрланадиган флюсларнинг шихта компонентлари классификацион схемасини ишлаб чиқиш бўйича натижалари келтирилган.



1-расм. Эритиб тайёрланадиган флюслар шихта компонентларининг классификацияси

Ишлаб чиқилган классификацион схемаси асосида флюс остида ёйли пайвандлашда чок металининг қуйма структураси шаклланиши жараёнининг физик ва математик моделини ишлаб чиқишга қаратилган.

Чок металининг кимёвий таркиби шаклланишининг физик модели (2-расм) бизга флюс остида автоматик ёйли пайвандлаш зонасида содир бўладиган жараёнларни ёритиш учун керак бўлади. Флюс остида пайвандлашнинг механизациялашган усулларида пайвандлашда пайвандлаш ваннасининг ҳимояси ва унинг металлургик ишлов берилиши пайвандлаш флюслари ёрмадида амалга оширилади. Флюслар эриб пайвандлаш ёйи ҳудудида газли ва шлакли гумбаз ҳосил қилишади, сўнгра ёй соҳасида кимёвий металлургик таъсир ўтказа бошлайди, чок юзасида шлак қобиғини ҳосил қилади ва шу қобикқа газлар ва фосфор билан серанинг оксидлари чиқариб ташланади. Эриган металл томчиси (3-расм) пайвандлаш сими метали ва эритиб тайёрланган флюснинг 1-ферроқотишмалар компонентлари ҳисобига шаклланади. Шлак томчиси флюс компонентларининг 2- гуруҳи, минерал хомашё ва 3- гуруҳ сунъий олинадиган кимёвий моддалар ҳисобига шаклланади.



2-расм. Флюс остида ёйли пайвандлашда чок металининг қуйма структураси шаклланиши жараёнининг физик модели



3-расм. Флюс остида автоматик ёйли пайвандлашда чок металининг қуйма структураси шаклланиши жараёнининг блок схемаси.

Флюс остида механизациялашган ёйли пайвандлашда пайванд чокнинг қуйма метали кимёвий таркибининг шаклланишини ҳисоблаш қуйидаги кетма кетликда амалга оширилади:

1. Ўтишнинг ўртача коэффиценти $\bar{\eta}_{E_z}$, эритиб ётқизилган металл таркибидаги (чок металида) E_z элементининг масса улуши:

$$\bar{\eta}_{E_z} = \frac{m_{E_z}^{\text{эрит.ётк}}}{m_{E_z}^{\text{аралаш}}}, \quad (1)$$

бу ерда $m_{E_z}^{\text{эрит.ётк}}$ - ушбу металл ҳажмининг ўзаро таъсирдан сўнг масса элементи E_z , кг;

$m_{E_z}^{\text{аралаш}}$ - кимёвий реакцияларни ҳисобга олмаган ҳолда металлдаги масса элементи E_z , кг.

2. E_z элементининг умумий ўтиши ўртача коэффиценти:

$$\bar{\eta}_{E_z} = a\eta_{E_z}^{\text{най.сум.}} + b\eta_{E_z}^{\text{фер}} + c\eta_{E_z}^{\text{шл.мин.}} + d\eta_{E_z}^{\text{сун.ким.мод.}} \quad (2)$$

$$a + b + c + d = 1 \quad (3)$$

бу ерда a, b, c, d – эритиб ётқизилган металлнинг шаклланишига пайвандлаш флюси таркибига кирувчи пайвандлаш сими, ферроқотишмалар, шлакдан тикланган минерал хомашё ва сунъий олинадиган кимёвий моддаларнинг иштироки улуши микдори;

$$\eta_{E_z}^{\text{най.сум.}} = 1 - k_1^{E_z}, \quad (4)$$

$$\eta_{E_z}^{\text{фер}} = 1 - k_2^{E_z}, \quad (5)$$

$$\eta_{E_z}^{\text{шл.мин.}} = k_3^{E_z}, \quad (6)$$

$$\eta_{E_z}^{\text{сун.ким.мод.}} = k_4^{E_z}, \quad (7)$$

бу ерда $\eta_{E_z}^{\text{най.сум.}}, \eta_{E_z}^{\text{фер}}, \eta_{E_z}^{\text{шл.мин.}}$ и $\eta_{E_z}^{\text{сун.ким.мод.}}$ - пайвандлаш флюси таркибига кирувчи сунъий олинадиган кимёвий моддалар, минерал хомашёлардан олинадиган шлак, ферроқотишмалар, пайвандлаш симларидан эритиб ётқизилган металлда E_z элементининг парциал ўтиш коэффиценти.

$k_1^{E_z}$ - газ ва шлак билан оксидланган пайвандлаш сими металида E_z компонентнинг масса улуши;

$k_2^{E_z}$ - газ ва шлак билан оксидланган (Ферроқотишмалар №1) пайвандлаш флюсининг металл қисмидаги E_z компонентининг масса улуши;

$k_3^{E_z}$ - томчи босқичида қайта тикланиш реакцияси натижасида металлга ўтаётган (2-минерал хомашё) пайвандлаш флюсининг нометалл қисмидаги E_z компонентининг масса улуши;

$k_4^{E_z}$ - томчи босқичида қайта тикланиш реакцияси натижасида металлга ўтаётган пайвандлаш флюсининг нометалл қисми (3-сунъий олинадиган кимёвий моддалар) E_z оксид компонентининг масса улуши.

3. Эритиб ётқизилган металл элементининг массаси

$$m_{E_z}^{эрит.коп.} = m_{E_z}^{най.сим.} \cdot \frac{E_z^{най.сим.}}{100} + \sum_{k=1}^l m_k^{фер} \cdot \frac{E_z^{фер}}{100} + \sum_{k=1}^p m_k^{шл.мин} \cdot \frac{E_z^{шл.мин}}{100} +$$

$$+ \sum_{k=1}^s m_k^{сун.ким.мод.} \cdot \frac{E_z^{сун.ким.мод.}}{100} = m_{E_z}^{най.сим.} + m_{E_z}^{фер} + m_{E_z}^{шл.мин.} + m_{E_z}^{сун.ким.мод.}, \quad (8)$$

бу ерда $m_{E_z}^{най.сим.}$, $m_{E_z}^{фер}$, $m_{E_z}^{шл}$ пайвандлаш флюси таркибига киритилувчи нометалл компонентлардан қайта тикланган ва ферроқотишмалар, пайвандлаш симларида E_z элементининг массаси.

4. E_z элементининг ўртача ўтиш коэффициенти,

$$\bar{\eta}_{E_z} = \frac{[E_z]_{эрит.коп.мет.}}{a[E_z]_{най.сим.} + b[E_z]_{фер.} + c[E_z]_{шл.мин.} + d[E_z]_{сун.ким.мод.}} \quad (9)$$

бу ерда $[E_z]_{н.м.}$ - кимёвий таҳлил натижалари бўйича эритиб ётқизилган металлда E_z элементнинг концентрацияси, мас.%;

$[E_z]_{най.сим.}$ - пайвандлаш симидаги E_z элементнинг бирламчи концентрацияси, мас.%;

$[E_z]_{фер}$ - пайвандлаш флюс таркибига киритиладиган ферроқотишманинг E_z элементининг бирламчи концентрацияси, мас.%;

$[E_z]_{шл.мин}$ - шлакнинг минерал моддаларидан $E_{zn}O_m$ оксид элементларининг тўлиқ қайта тикланишида E_z элементининг концентрацияси, мас.%;

$[E_z]_{сун.мод.}$ - пайвандлаш флюс таркибига киритиладиган кимёвий тоза моддалар E_z элементининг бирламчи концентрацияси, мас.%.

5. Пайвандлаш ваннасидаги компонент массаси:

$$m_{E_z} = \frac{m_{най.ван.} \cdot [E_z]_{эрит.}}{100} \quad (10)$$

бу ерда $m_{най.ван.}$ – пайвандлаш ваннаси массаси, кг; $[E_z]_{эрит.}$ – пайвандлаш ваннасида E_z компонентининг концентрацияси, мас.%.

6. Флюс остида автоматик ёйли пайвандлашда металлнинг йўқотилиш коэффициенти:

$$k_{пот}^{Ме} = \frac{m_{най.сим.} + m_{фер} + m_{ме}^{шл.мин} + m_{ме}^{сун.ким.мод.} - m_{эрит.коп.}}{m_{най.сим.} + m_{фер} + m_{ме}^{шл.мин} + m_{ме}^{шл.сун.ким.мод.}} \quad (11)$$

бу ерда $m_{ме}^{шл.мин}$ - пайвандлаш ваннасида ўтган ва шлакдан қайта тикланган металлнинг массаси, кг.

7. Флюс остида автоматик ёйли пайвандлашда шлакнинг йўқотилиш коэффициенти:

$$k_{йўк.}^{шл} = \frac{m_{шл} - m_{шл}^{эксп}}{m_{шл}} \quad (12)$$

бу ерда $m_{шл}$ - ҳисоблаш йўли билан олинган эриш даврида ҳосил бўлган шлакнинг массаси, кг;

$m_{шл}^{эксп}$ - эксперимент йўли билан олинган эриш даврида ҳосил бўлган шлакнинг массаси, кг.

$$m_{шл} = m_{флюс} - m_{фер} - m_{газ} + m_{окс}, \quad (13)$$

бу ерда $m_{\text{флюс}}$ - флюс массаси, кг;

$m_{\text{фер}}$ - пайвандлаш флюси таркибидаги ферроқотишмаларнинг массаси, кг;

$m_{\text{газ}}$ - флюс компонентларининг буғланиш ва диссоциацияланишида ҳосил бўлган газсимон маҳсулотларнинг массаси, кг;

$m_{\text{окс}}$ - пайвандлаш флюси таркибидаги ферроқотишмалар ва пайвандлаш сими компонентларининг оксидланиши натижасида ҳосил бўлган оксидларнинг массаси, кг.

8. Чок метали таркибининг шаклланиши:

$$[E_z]_{\text{най.чок.}} = [E_z]_{\text{асос.мет.}} \cdot \gamma_{\text{асос.мет.}} \cdot \eta_{E_z}^{\text{асос.мет.}} + [E_z]_{\text{эрит.коп.мет.}} \cdot \gamma_{\text{эрит.коп.мет.}} \quad (14)$$

бу ерда $[E_z]_{\text{най.чок.}}$ - кимёвий таҳлил натижаларига кўра бир қатламли эритиб қоплашда чок металида E_z элементнинг концентрацияси, мас.%;

$[E_z]_{\text{асос.мет.}}$ - кимёвий таҳлил натижаларига кўра асосий металлдаги E_z элементининг концентрацияси, мас.%;

$[E_z]_{\text{эрит.коп.мет.}}$ - кимёвий таҳлил натижаларига кўра эритиб қопланган металлдаги E_z элементининг концентрацияси, мас.%;

$\gamma_{\text{асос.мет.}}$ - чок металида асосий металлнинг иштироки улуши;

$\gamma_{\text{асос.мет.}}$ - чок металида эритиб қопланган металлнинг иштироки улуши, шу билан бирга; $\eta_{E_z}^{\text{асос.мет.}}$ - асосий металлдан чок металига E_z элементининг ўтиш парциал коэффиценти.

9. Асосий металлдан чок металига E_z элементининг ўтиш парциал коэффиценти:

$$\eta_{E_z}^{\text{асос.мет.}} = \frac{[E_z]_{\text{най.чок.}} - [E_z]_{\text{эрит.коп.мет.}} \cdot \gamma_{\text{эрит.коп.мет.}}}{[E_z]_{\text{асос.мет.}} \cdot \gamma_{\text{асос.мет.}}} \quad (15)$$

10. Флюс остида автоматик ёйли пайвандлашда чок металига E_z элементнинг ўртача ўтиш коэффиценти.

$$\eta_{E_z}^{\text{най.чок.}} = \frac{[E_z]_{\text{най.чок.}}}{[E_z]_{\text{асос.мет.}} \cdot \gamma_{\text{асос.мет.}} + [E_z]_{\text{эрит.коп.мет.}} \cdot \gamma_{\text{эрит.коп.мет.}}} \quad (16)$$

Ушбу (1)-(16) формулалар ёрдамида ишлаб чиқилган флюснинг ҳисоб китоби амалга оширилган (пайвандлаш сими диаметри 3 мм).

1-жадвал

Элементларнинг ўтиш коэффицентлари


Кўрсаткичлар	$\eta_C^{\text{най.чок.}}$	$\eta_{Si}^{\text{най.чок.}}$	$\eta_{Mn}^{\text{най.чок.}}$	$\eta_S^{\text{най.чок.}}$	$\eta_P^{\text{най.чок.}}$
Ҳисобий	0,98	0,48	0,61	0,19	0,23
Экспериментал	0,96	0,47	0,64	0,20	0,22

Экспериментал ва ҳисобий кўрсаткичларнинг фарқи 5%ни ташкил этди. Бу билан пайванд чокнинг қуйма металига элементларнинг ўтиш

коэффициентларини баҳолашда эксперимент хатоликлари солиштирмаси етарлича қониқарли деб баҳоланди.

Диссертациянинг «Эритиб тайёрладиган флюсларни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида эритиб тайёрладиган флюсларнинг шлак ҳосил қилувчи асосини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилган. Шлакнинг $MnO-SiO_2$ иккита тизимлиси ўрганилганда, маълум бўлдики, ушбу тизим шлакининг эриш ҳарорати $1300^{\circ}C$ атрофида эканлиги аниқланди ва бу ҳарорат пўлатларни пайвандлашда пайвандлаш шлаklarига қўйиладиган талабларга жавоб бера олади ва SiO_2 миқдори 35-45% диапазонида бўлади.

Уч томонли шлак тизимлари (4-расм): $CaO- MnO-SiO_2$, $MgO- MnO-SiO_2$ ва $Al_2O_3- MnO-SiO_2$ таркибидегиларининг эриш ҳароратлари $1300^{\circ}C$ соҳада бўлади ва пўлатларни пайвандлашда пайвандлаш шлаklarига қўйиладиган талабларга жавоб беради.



4-расм. Уч томонли тизим ҳолат диаграммаси:
 а) $CaO- MnO-SiO_2$, б) $MgO- MnO-SiO_2$, в) $Al_2O_3- MnO-SiO_2$.

CaO- MnO-SiO₂ тизимда таркиблар соҳаси ~40% SiO₂, ~ 40% MnO ва ~20% CaO бўлади.

Флюсни эритиш махсус қурилмада бажарилди. Чунки қаттиқ ҳолатда шлакнинг ток ўтказувчанлиги бўлмайди, жараён бошланиши учун графит электрод билан тигель орасида ёй ёндирилади ва кукунсимон шихтани ёй ҳудудига узатилади. Тиглда сувоқ эритма ҳосил бўлгандан сўнг жараён шу эритма орқали бажарилади.


CaO-MnO-SiO₂ шлак тизимини тадқиқот қилиш шуни кўрсатдики, кремний монооксиддан (SiO) иборат шишасимон фазалар мавжуд бўлиб, улар модификацион қайта тузилишда иштирок этмайди. Ундан ташқари тизимда ромбоэдриқ шаклдаги флюорит (CaF₂) ва ёрқин қизил чизикли рангларда бўлган вюстит (FeO)лар мавжудлиги аниқланди.

Эритиб тайёрланадиган флюсларнинг тўртта русуми тадқиқот қилинди:
№1 – АН-348-А (АЖ “Узметкомбинат”),

№2 – мас. %: кварц қуми (Джейрой кони) - 23-27; доломит (Чуст кони) - 10-12; каолин (Ангрен кони) – 6-8; марганецли концентрат - 50-54; плавикли шпат - 4-6.

№3 – мас. %: кварц қуми (Джейрой кони) - 23-27; доломит (Дехқонобод кони) - 10-12; каолин (Ангрен кони) – 6-8; марганецли концентрат - 50-54; плавикли шпат - 4-6.

№4 – мас. %: кварц қуми (Майский кони) - 23-27; доломит (Шўрсув кони) - 10-12; каолин (Ангрен кони) – 6-8; марганецли концентрат - 50-54; плавикли шпат - 4-6.




5-расм. №1-4 намуналардаги эритиб тайёрланадиган флюсларни қўллаб пайвандланган пайванд бирикмаларнинг макрошлифлари х5 карра катталаштирилган:

а) №1, б) №2, в) №3, г) №4.

Пайванд намуналарни тайёрлаш учун пўлат 20 ишлатилди. Пайвандлашдан олдин флюсларни 300-400 °С ҳарорат остида прокатка қилинди. Пайвандлаш режими: пайвандлаш токи кучи 600 А, кучланиш 28В, пайвандлаш тезлиги 0,54 м/дақ.

Тозлашдан сўнг пайванд чокнинг макроструктураси кўриниши бўйича чок кўриниши яққол устун структураси намоён бўлди, чок ўзагидан валик томон кристаллизацияланиш йўналиши кўринмоқда. Пайванд чок ғовакларсиз, кесикларсиз ва бошқа нуқсонлардан холи бўлган (5-расм).

№1 рақамли флюснинг пайвандлаш шлакида диаметри 10 мкм гача бўлган микроскопик газ ғовакчалари мавжуд (6-расм). №2-3 рақамли ишлаб чиқарилган флюсларнинг пайвандлаш шлакида диаметри 2 мкм гача бўлган микроскопик газ ғовакчалари ва кичик тўлқинчалар намоён бўлган. Чок юзаси текис, силлиқ ва пайванд чокнинг шлак қобиғи осон кўчмоқда. №4 рақамли ишлаб чиқилган флюснинг пайвандлаш шлакида юзасида майда пўстлоқчали ва ғадир-будурлик, ўлчамлари 2-3мкм гача бўлган газ ғовакчалари мавжуд, бу эса пайванд чокнинг шлак қобиғининг яхши ажралишидан далолат беради.



**6-расм. №1-4 рақамли флюслардан фойдаланиб пайвандланган пайванд чокларнинг шлак қобиғи, юзаси пайванд чок томонидан х500 карра катгалаштирилган ҳолат:
а) №1, б) №2, в) №3, г) №4.**


№2-4 рақамли флюслар билан бажарилган пайванд чокларда термик таъсир зонаси аналог бўлган АН-348-А флюсига нисбатан юқори қисмидан то эришнинг максимал чуқурлигигача кенгайиб бораётгани кузатилади, АН-348-А флюсида эса аксинча қисқариб борган. Бундан маълум бўлмоқдаки,

пайвандлаш жараёнида иссиқлик киритилиши чок чуқурлигига эмас, унинг юзасига тақсимланиши аниқланмоқда. Бунинг исботини пайванд чокнинг геометриясидан ҳам кузатишимиз мумкин, яъни пайвандлаш шартларига кўра пайванд чокларнинг кўринишида чок эни қисқа, чокнинг чуқурлиги эса катталиги намоён булади. Асосан бошқа бир хил шартлар берилганда флюснинг кимёвий таркиби жараёнга ва пайванд чокка фарқли таъсир ўтказди. Пайванд чокнинг ижобий характеристикаларига эга бўлишга флюс таркибида кремний оксиди миқдорини ошириш билан эришиш мумкин. (2-жадвал).

2-жадвал.

№1-4 рақамли флюсларнинг термик таъсир зонасига таъсири

Соҳа	Термик таъсир зонаси ўлчамлар, мм			
	№1	№2	№3	№4
Чок ўзаги	0,598	1,302	1,231	1,168
ўнг	0,869	0,940	0,806	0,788
чап	0,861	1,003	0,761	0,806
Ўртача кўрсаткич	0,776	1,082	0,933	0,921



7-расм. №1-4 рақамли флюслар билан пайвандланган пайванд бирикмаларнинг оқувчанлик ва мустаҳкамлик чегараларининг гистограммаси: а) №1, б) №2, в) №3, г) №4.

Ишлаб чиқилган маҳаллий руда - хомашё базаси (7-расм) асосида, шлак эришининг CaO-MnO-SiO_2 асосида танланган уч томонли диаграммаси ёрдамида танланган эритиб тайёрланадиган флюсларнинг шлак асосининг таркиби пайванд бирикмаларнинг мустаҳкамлик хусусиятларини 10-12%га оширди.

ХУЛОСА

«Углеродли ва легирланган пўлатларни механизациялашган пайвандлаш учун маҳаллий хомашёлар асосида эритиб тайёрланадиган флюсларни ишлаб чиқариш технологиясини ва таркибини такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Эритиб тайёрланган флюсларнинг таркибидаги оксидсизлантирувчилар миқдорини оптималлаштириш ҳисобига автоматик ёйли пайвандлашда чок қуйма металлининг шаклланиши жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган. Олинган натижалар пайванд чокнинг қуйма металида кислород миқдорини 8-10%га камайтиришга имконини беради.

2. Маҳаллий минерал хом ашё базасида CaO-MnO-SiO_2 уч томонли эрувчанлик диаграммаси асосида танланган, эритиб тайёрланадиган флюснинг ишлаб чиқилган шлак асоси такомиллаштирилган. Олинган натижалар пайванд бирикмаларнинг мустаҳкамлик хусусиятларини 10-12%га ошириш имконини беради.

3. Автоматик ёйли пайвандлаш учун эритиб тайёрланадиган флюсни ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган. Олинган натижалар пайванд чокнинг қуйма металида водород миқдорини 14-16%га камайтириш имконини беради.

4. Ўзбекистон Республикаси хомашё ресурсларини ўрганиш асосида эритиб тайёрланадиган флюсларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган (кварц куми, марганец рудаси, доломит, каолин)ларнинг шлак композициялари таркиби ишлаб чиқилди. Олинган натижалар механизациялашган ёйли пайвандлашда ҳосил бўладиган шлакларнинг технологик хусусиятларининг яхшиланишига хизмат қилади.

5. Эритиб тайёрланадиган флюсларнинг компонентларини ферроқотишмалар, минерал хомашёлар ва сунъий олинадиган кимёвий моддаларга ажратадиган классификацион схема ишлаб чиқилди. Олинган натижалар импорт ўрнини босувчи механизациялашган ёйли пайвандлаш учун ишлатиладиган эритиб тайёрланадиган флюсларни ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

6. Металл ва шлак ваннасининг шаклланишини ва уларнинг таркибидаги компонентларнинг бир бирига ўтишини кўрсатадиган флюс остида механизациялашган ёйли пайвандлашнинг физик модели ишлаб чиқилди. Олинган натижалар пайванд чок қуйма металлининг кимёвий таркибини оптималлаштириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХУДОЁРОВ САРДОР САЪДУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОСТАВА И ТЕХНОЛОГИИ
ПРОИЗВОДСТВА ПЛАВЛЕННЫХ ФЛЮСОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО
СЫРЬЯ ДЛЯ МЕХАНИЗИРОВАННОЙ СВАРКИ УГЛЕРОДИСТЫХ И
ЛЕГИРОВАННЫХ СТАЛЕЙ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство. Термическая
обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных, цветных и редких
металлов (по направлению литейное производство и обработка металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент- 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/T1431.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Дуняшин Николай Сергеевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Норхуджаев Файзулла Рамазанович
доктор технических наук, профессор

Худояров Сулейман Рашидович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «5» декабря 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./ факс:(99871)227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 176). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.:(99871)227-10-32.)

Автореферат диссертации разослан «25» ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 115 от «25» ноября 2020 года).



К.А.Каримов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Д.Тураходжаев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.С.Абдуллаев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое значение имеет уровень развития механизированной дуговой сварки под слоем флюса на современном этапе характеризующийся объёмом производства, структурой свариваемых изделий и конкурентоспособностью на мировом рынке. В связи с этим повышение эксплуатационных характеристик литого металла сварных швов, надёжности и долговечности конструкций являются одними из актуальных задач. В этом плане в развитых странах, в том числе в США, Великобритании, Японии, Украине и России, уделяется особое внимание развитию технологии механизированной дуговой сварки под слоем флюса, имеющей главную роль в массовом и крупносерийном производстве сварных конструкций и изделий.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по повышению качественных характеристик флюсов для механизированной дуговой сварки на основе модернизации их состава. В этом направлении, в том числе особое внимание заслуживает оптимизация состава плавящего флюса по качеству и количеству шлакообразующих компонентов. В том числе считается важным улучшение прочностных характеристик сварного соединения за счет состава шихты, определяющего химический состав металла сварного шва.

В Республике Узбекистан осуществляются меры в сфере оптимизации состава плавящих флюсов на основе методов прогнозирования физико-химических процессов, происходящих при механизированной дуговой сварке. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, включая «...сокращение энергоёмкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»¹. Выполнение данных задач, в частности, разработка сварочных плавящих флюсов, обеспечивающих повышение прочностных характеристик сварных соединений за счет определения химического состава сварного шва, является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

